

**«OLOY DEHQON BOZORI» АЖ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ  
НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ  
БАЁНИ**

2018 йил 18 май

Тошкент шаҳри

Акциядорларнинг 2017 йил молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Амир-Темур кўчаси, 40-уй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2018 йил 18 май куни ўтказилди. Реестр бўйича акциядорлар сони 1041 та. Йиғилишда 1 839 766 овозга эга 5 та акциядор қатнашди, йиғилиш ўтказиш учун кворум акциядорларнинг 99,49%ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Жамият Устав жамғармасининг 98,7% га эгаллик қилувчи Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан ишончнома асосида Тошкент шаҳар ҳокимияти бош мутахассиси Турабеков Машраббек Улуғбекович қатнашди.

***Йиғилиш раёсатига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:***

Турабеков М.У. – Тошкент шаҳар ҳокимияти бош мутахассиси

Камолов Т.К. - “Тошбозорсавдо” уюшмаси инвестиция бўлимининг бошлиғи

Раззоқов А.А. – «Олой дехқон бозори» АЖ директори

***Йиғилиш котибиятига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:***

Норбутаев С.

***Йиғилиш саноқ хайъатига қуйидаги ходимлар сайландилар:***

Норбутаев С., Юсупова Ш., Стрельникова Л.

Йиғилишга Шерова Дилдор райслик қилди.

***Йиғилиш кун тартиби:***

1. *Жамиятнинг ижроия органи ва қузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.*

2. *Жамиятнинг 2017 йил молиявий-ҳужалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хулосасини қўриб чиқиш.*

3. *Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига қирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосалари.*

4. *Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.*

5. *Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варагини тасдиқлаш, унинг фойдаси ва зарарларини тасдиқлаш.*

6. *Жамиятнинг 2017 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаш.*

7. *Жамиятнинг директори билан тузилган меҳнат шартномасини узайтириш.*

8. *Жамиятнинг Қузатув кенгашини сайлаш.*

9. *Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш.*

10. *Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини қўриб чиқиш.*

Йиғилиш регламенти қуйидагича тасдиқланди:

Асосий масалаларга 10 минутгача.

Сузга чиқувчиларга 5 минутгача.

Йиғилиш кун тартибидаги **биринчи** масала бўйича жамият директори Раззоқов Аҳаднинг ҳисоботи тингланди. Йилнинг жамиятнинг бино ва иншоотларини ижарага

бериш ҳақи режадаги 320 000 минг сўм ўрнига 517 199,7 минг сўм ёки режадан 197 199,7 минг сўмга қўп бажарилди.

Кўрсатилган инфратузилма хизматлари тушими тасдиқланган режадаги 180 000 минг сўм ўрнига 148 953,6 минг сўм яъни 31 046,4 минг сўмга кам бажарилди. Сметанинг ялпи даромади режадаги 1 792 310,0 минг сўм ўрнига 2 027 647,0 минг сўм ёки режадан 232 337,0 минг сўмга қўп бажарилди.

Шунингдек, 50 фоизли маҳаллий бюджет ажратмасига режадаги 864 789,6 минг сўм ўрнига 978 339,7 минг сўм яъни 113 550,1 минг сўм кам маблағ ўтказилди.

Сметанинг иш ҳақи ажратмасидан режада белгиланган 228 320,0 минг сўм ўрнига 222 449,3 минг сўм яъни 5 870,7 минг сўм кам сарфланди. Сув ва канализация режада 30 000,0 минг сўм белгиланган, амалда эса 20 971,2 минг сўмга бажарилиб, 9 028,8 минг сўм кам сарфланди. Электр қуввати режада 80 000,0 минг сўм, амалда 101 261,1 минг сўм яъни 21 261,1 минг сўм қўп маблағ сарфланди.

Махсустрасн режада 57 600,0 минг сўм, амалда 45 446,7 минг сўмга иш бажарилди, 12 153,3 минг сўм кам сарфланди, телефон харажатлари режа бўйича 850,0 минг сўм, амалда эса 482,3 минг сўмга, яъни 367,7 минг сўм кам маблағ ишлатилди.

Сметанинг кўзда тутилмаган бошқа харажатлар қисмидаги маблағ режага асосан 50 500 минг сўм бўлса, амалда 81 556,2 минг сўм сарфланган яъни 31 056,2 минг сўм қўп маблағ ишлатилди.

Соф фойда режаси 146 139,5 минг сўм бўлса, амалда кечиктирилган харажатлар эвазига 2 244 995,4 минг сўм яъни 2 098 855,9 минг сўмга баланс курсаткичи камайган.

Жамият ижро органи 2017 йил бўйича тасдиқланган режа асосида иш олиб борди, жамият келажаги ва жамиятга таалуқли бўлган барча масалаларни Кузатув кенгашига тақдим этиб келинмоқда.

2018 йилга режалаштирилган ишлар ҳақида ҳисобот берди.

Берилган саволларга маърузачилар жавоб берганларидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **иккинчи** масала бўйича «ASL-MOLIYA TAXLIL» МЧЖнинг 2017 йил якуни бўйича ўтказилган аудит текшируви хулосасини аудитор мажлисга келмаганлиги сабабли, жамият қимматли қозғалар мутахассиси С.Т.Норбутаев ўқиб эшиттирди, жумладан, аудит текшируви натижасига кўра, жамият молиявий ва хўжалик фаолияти, ҳамда бухгалтерия ҳисоботлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ келиши ҳақидаги 2018 йил 30 апрелдаги ижобий хулоса берилгани ҳақида маълумот берди. (аудиторлик текшируви хулосаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **учинчи** масала бўйича жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзолари йиғилишда иштирок эта олмаганлиги сабабли, тафтиш комиссияси хулосасини жамиятнинг қимматли қозғалар бўйича мутахассиси С.Т.Норбутаев йиғилганларга ўқиб эшиттирди, жумладан, жамият тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилган тафтишга ҳамда жамият ташқи аудитори «ASL-MOLIYA TAXLIL» МЧЖнинг 2018 йил 30 апрелдаги ижобий аудиторлик хулосасига асосланиб:

- жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигини;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилмаганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилмаганлигини;

- аффилиланган шахслар билан битимлар, шунингдек йирик битимлар тузилмаганлигини эътироф этишини маълум қилди. (тафтиш хайъатининг хулосаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи** масала бўйича жамият бош мухосибби Л.В.Стрельникова сўзга чиқиб, жамиятнинг 2017 йил якуний баланси ҳақида ахборот берди. Жумладан

*Минг.сум.*

АКТИВ		ПАССИВ	
Асосий воситалар	342474,8	Устав капитали	1 849174,0
Узоқ муддатли инвестициялар	93720,5	Резерв капитали	197770,1
Ишлаб чиқариш заҳиралари	30685,3	Таксимланмаган соф фойда	-2 115805,9
Келгуси давр харажатлар		Мақсадли тушумлар	267172,8
Дебиторлар	54516,9	Кредиторлар	1 252840,8
Пул маблағлари	18772,4		
Капиталы	910981,9		
<b>ЖАМИ</b>	<b>1 451151,8</b>	<b>ЖАМИ</b>	<b>1 451151,8</b>
		<b>СОФ ФОЙДА</b>	<b>-2 244995,5</b>

Раислик қилувчи акциядорлардан кўрилган масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **бешинчи** масала бўйича жамият бош бухгалтери Л.В.Стрельникова сўзга чиқиб, Вазирлар Махкамасининг 2016 йил 22 мартдаги 216 ф-сонли фармойишига асосан жамият ҳудудида бузилиб, қайтадан янги бозор қурилди.

Мазкур ҳужжатга асосан бозор бузилиши муносабати билан, бузилган асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш натижасида жамиятда 2 244 995,4 минг сўм зарар кўрилди.

Жамият бош бухгалтери ушбу зарарни вужудга келишини тулиқ тушунтириб бериб ўтди ва зарарни инобатга олишини таклиф этди ва раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **олтинчи** масала бўйича жамият директори А.Раззоқов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2018 йилга режалаштирилган “Бизнес-режаси”, ҳамда “2018 йил учун даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди Жумладан, бизнес-режасидаги 2018 йилга режалаштирилган ишлар, даромад олиш манбалари, соф фойда режасини амалда ошириш вазифасини йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама этилди. (“Бизнес-режаси” ва “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” тўлалигича илова қилинади).

Маърузачининг берилган саволларга жавобидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **еттинчи** масала бўйича жамият қимматли қоғозлар мутахассиси С. Норбутаев сўзга чиқиб, «Oloy dehqon bozori» АЖнинг директори Раззоқов Аҳад Анварович 2012 йилдан буён жамият директори лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Ўтган қисқа давр мобайнида Раззоқов Аҳад Анварович ўзининг талабчанлиги ва меҳнатсеварлиги туфайли жамият ишчи-ҳодимларининг меҳнат интизомини кутаришга, уларнинг меҳнатга бўлган муносабатини ўзгартиришга, бозор ҳудудида доимий равишда тартиб ўрнатишга ва бозор ҳудуди бўйича доимий равишда озодликни сақлашга эришиб келмоқда.

Вазирлар Махкамаси, Тошкент шаҳар ҳокимияти ва бошқа тегишли мутасадди органлар томонидан берилган қарор ва фармойишларини ўз вақтида бажарилишини ташкил этди.

Юкоридагиларни инобатга олган холда, жамият кузатув кенгаши Раззоқов Ахад Анварович билан меҳнат шартномасини 2018 йил якуни бўйича акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиш санасигача узайтиришни мақсадга мувофиқ деб топди.

Мазкур таклиф эътиборингизга хавола этилади, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини суради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **саккизинчи** масалага утиб, 2018 йилда жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш йули билан овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини суради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **туккизинчи** масалага утиб, жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини суради.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини суради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **унинчи** масалага утиб, Кун тартибига киритилган масала юзасидан тулиқ тушунча олиш мақсадида йиғилиш раиси сўзни Норбутаев С.га берди, Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш “FTF-LEA-AUDIT” аудиторлик ташкилоти аудитори Л.Матвеев томонидан олиб борилди, жамиятда Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш утказилганлигини, “Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш натижаларига кўра “Oloy dehqon bozori” АЖ -118 балл йиғиб, унга “қониқарли“ баҳо берилганлигини айтиб ўтди ва раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини суради.

Раислик қилувчи умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари санок хайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Санок хайъати мажлис қатнашчиларини овоз бериш натижалари билан таништирди.

<p><b>1-масала</b>            Ёқлаган 1 839 766 – 100%            Бетараф 0 – 0,0%            Қарши 0 – 0,0%</p>	<p><b>2-масала</b>            Ёқлаган 1 839 766 – 100%            Бетараф 0 – 0,0%            Қарши 0 – 0,0%</p>	<p><b>3-масала</b>            Ёқлаган 1 839 766 – 100%            Бетараф 0 – 0,0%            Қарши 0 – 0,0%</p>
<p><b>4-масала</b>            Ёқлаган 1 839 766 – 100%            Бетараф 0 – 0,0%            Қарши 0 – 0,0%</p>	<p><b>5-масала</b>            Ёқлаган 1 839 766 – 100%            Бетараф 0 – 0,0%            Қарши 0 – 0,0%</p>	<p><b>6-масала</b>            Ёқлаган 15533 – 0,008%            Бетараф 1824233 – 98,7%            Қарши 0 – 0,0%</p>
<p><b>7.1.-масала</b>            Ёқлаган 1 839 766 – 100%            Бетараф 0 – 0,0%            Қарши 0 – 0,0%</p>	<p><b>9.1.-масала</b>            Ёқлаган 1 839 766 – 100%            Бетараф 0 – 0,0%            Қарши 0 – 0%</p> <p><b>9.2.-масала</b>            Ёқлаган 1 839 766 – 100%            Бетараф 0 – 0,0%            Қарши 0 – 0%</p> <p><b>9.3.-масала</b>            Ёқлаган 1 839 766 – 100%            Бетараф 0 – 0,0%            Қарши 0 – 0%</p>	<p><b>10-масала</b>            Ёқлаган 1 839 766 – 100%            Бетараф 0 – 0,0%            Қарши 0 – 0%</p>

**8-масала (Кумулятив овоз бериш натижалари)**

8.1. С. Агзамходжаев	1 839 766- та овоз
8.2. О. Саидахмедов	1 839 766- та овоз
8.3. М. Каримов	1 839 766- та овоз
8.4. Т.Иброхимов	1 839 766- та овоз
8.5. М.Турабеков	1 839 766- та овоз
8.6. И.Алимов	1 839 766- та овоз
8.7. Д. Шерова	1 839 766- та овоз
8.8. А.Кайрлапов	1 839 766- та овоз
8.9. Х. Мирзаев	1 839 766- та овоз

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар қўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдирди. Саноқ хайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

**КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР  
АТРОФЛИЧА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ  
ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Жамият ижроия органи ҳамда Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегияси эришиш бўйича қўрилаётган чоратadbирлар туғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин (ёқлаган 1 839 766 та овоз – 100%, қарши 0,0 та овоз – 0,0%, бетараф 0 та овоз – 0,0%).

2. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича молиявий-ҳужалик фаолияти юзасидан «ASL-MOLIYA TAXLIL» аудиторлик ташкилоти, МЧЖнинг 2018 йил 30 апрелдаги ижобий аудиторлик хулосаси инобатга олинсин. (ёқлаган 1 839 766 та овоз – 100%, қарши 0,0 та овоз – 0,0%, бетараф 0 та овоз – 0,0%).

3. Жамият Тафтиш комиссиясининг 2017 йил якуни бўйича ўз ваколати доирасига кирган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосаси инобатга олинсин ва тасдиқлансин (ёқлаган 1 839 766 та овоз – 100%, қарши 0,0 та овоз – 0,0%, бетараф 0 та овоз – 0,0%).

4. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи инобатга олинсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 1 839 766 та овоз – 100%, қарши 0,0 та овоз – 0,0%, бетараф 0 та овоз – 0,0%).

5. Жамиятнинг 2017 йил молиявий-ҳужалик якуни бўйича олинган зара инобатга олинсин.

(ёқлаган 1 839 766 та овоз – 100%, қарши 0,0 та овоз – 0,0%, бетараф 0 та овоз – 0,0%).

6. Жамиятнинг 2018 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” тасдиқланмади. Жамият ижроия органи раҳбари (А.Раззоқов)га «Бизнес режа» параметрларини тулиқ қайта ишлаб чиқиш чораларини қўриш юклатилсин.

(ёқлаган 15533 та овоз – 0,008%, қарши 0,0 та овоз – 0,0%, бетараф 1824233 та овоз – 98,7%).

7. “Олой дехкон бозори” АЖнинг директори, Раззоқов Аҳад Анваровичнинг билан тузилган шартномани амал қилиш муддатини узайтириш тасдиқлансин

(ёқлаган 1 839 766 та овоз – 100%, қарши 0,0 та овоз – 0,0%, бетараф 0 та овоз – 0,0%).

8. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қўйидагилар сайлансин:

8.1. Агзамходжаев Саиданвар Саидаминович- Юнусобод туман хокимининг 1-уринбосари 1 839 766 - та овоз

8.2. Саидахмедов Оқил Акбарович - Тошбозорсавдо”уюшмаси бош мутахассиси.  
1 839 766 - та овоз

8.3. Каримов Малик Рахимович – “Инвестициялар, инновациялар, саноатни, туризмни ривожлантириш ва хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш бошқармаси” ДУК бўлим бошлиғи 1 839 766 - та овоз

- 8.4. Иброхимов Тулқин Собитович - «Тошбозорсавдо» уюшмаси бўлим бошлиғи.  
1 839 766 - та овоз
- 8.5. Турабеков Машраббек Улуғбекович- Тошкент шаҳар ҳокимияти бош мутахассиси  
1 839 766 - та овоз
- 8.6. Алимов Иномжон Саидкулович - Тошкент шаҳар ҳокимияти Котибият мудир.  
1 839 766 - та овоз
- 8.7. Шерова Дилдор Нурдиновна- акциядор, 1 839 766 - та овоз
- 8.8. А.Кайрлапов - Акциядор, “Сток Инвест” ШК раҳбари, 1 839 766 - та овоз
- 8.9. Мирзаев Хамидулла Абдуллаевич- “акциядор, 1 839 766 - та овоз
9. Жамият Тафтиш комиссиясига Абдуллаева Гулчехра (ёқлаган 1 839 766 та овоз – 100%, қарши 0,0%та овоз – 0,0%, бетараф 0 та овоз-0,000% , Ибрагимова Гулноза (ёқлаган 1 839 766 та овоз – 100%, қарши 0 та овоз – 0,000% , бетараф 0,0% та овоз-0,000% , Ким Олек сайлансин. (ёқлаган 1 839 766 та овоз – 100%, қарши 0,0 та овоз – 0,0%, бетараф 0 та овоз – 0,0%).
10. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари қабул қилинсин ва жамият ижроия органига аниқланган камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилсин.  
(ёқлаган 1 839 766 та овоз – 100%, қарши 0,0 та овоз – 0,0%, бетараф 0 та овоз – 0,0%).

Баённома имзоланган сана: «27» май 2018 йил.

Йиғилиш раиси

Котиб



Д.Шерова

С.Норбутаев